


**«GLOBAL AUDIT»
Аудиторлик ташкилоти**



**«Уз Тонг Хонг Ко» ҚК акциядорлик
жамиятининг молиявий ҳисоботлари
учун изохлар билан фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**



«Уз Тонг Хонг Ко» ҚК акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисоботлари
учун изохлар билан фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Ташкилот ҳақида маълумотлар:

Юридик манзил	Ўзбекистон Республикаси Андижан шаҳар, Индустриал, 4а
ОКЭД	29320
ИНН	201 832 779
ХХТУТ	14341
Хисоб рақам	2014000401563530001 в «Investfinancebank». Андижан бўлими. МФО 01114

Аудиторлик ташкилоти реқвизитлари:

Аудиторлик ташкилоти номи ва юридик манзили	Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «GLOBAL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти. 100096, Ташкент ш., Оққўрғон к., 23"б"-уй
Давлат руйхатидан утказилган сана ва гувоҳнома рақами	Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 06.11.2007 йил қайддан ўтган. Гувоҳнома реестри № 355
Лицензия берган орган номи ва тартиб рақами	Лицензия №00745, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 01.04.2019 йилда берилган
Фаолиятнинг суғурталанганлиги	2020 йил 04 декабрда берилган №0671- 1308/0000104 рақамли Аудиторлик ташкилотининг касбий жавобгарлиги сугурта Полиси
Банк реқвизитлари	Хисоб рақами: 20208000102725856001 «ДАВР- БАНК»нинг Тошкент шаҳридаги Мирзо Улу-бек филиалида. Банк хос рақами: 01072. ИНН рақами: 202268854. ОКЭД 69202
Аудиторлик текшируви учун тузилган шартнома рақами ва тузилган санаси	Молиявий ҳисоботларни аудиторлик текширувдан ўтказиш бўйича 2021 йил 13 апрель кунги №05/21- рақамли шартнома

Биз, «GLOBAL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти аудитори Туракулов Хабибилло
Зулфирович (Молия Вазирлигининг 2007 йил 19 сентябрда берилган 04421-рақамли
аудиторлик малака сертификати), «GLOBAL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти раҳбари
Гайнулина Галия Мингалиевна (Молия Вазирлигининг 2012 йил 26 майда берилган 05019-
рақамли аудиторлик малака сертификати) томонидан хўжалик юритувчи субъект «Уз Тонг
Хонг Ко» ҚК акциядорлик жамиятининг Молиявий ҳисоботлар: 1-шакл «Баланс», 2-шакл
«Молиявий натижалар тугрисида ҳисобот», 4-шакл «Пул оқимлари тугрисида ҳисобот», 5-
шакл «Хусусий капитал тугрисидаги ҳисобот» дан иборат 2020 йил 1 январдан 31 декабргача
булган ҳолатидаги молиявий ҳисоботининг ишончилигини 2021 йил 13 апрель кунги
№05/21 сонли шартномага асосан мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувдан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун
ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички
назорат тизими учун жавобгардир.



«Уз Тонг Хонг Ко» ҚК акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисоботлари
учун изоҳлар билан фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз «Уз Тонг Хонг Ко» ҚК акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат. Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллар молиявий ҳисоботнинг ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асос бўлади. Бизнинг фикримизча, махсус қисмда қайд этилган изоҳлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган вазиятлар натижасида, бизда аудиторлик ташкилоти фикрини ифодалаш учун асосларни таъминловчи етарлича аудиторлик далиллари мавжуд.

Изоҳлар билан фикр билдириш учун асос

1590-“Божхона юк декларациясиз келган моддий қийматликлар” ҳисобварағида импорт қилинаётган материаллар бўйича йўлга чиққан ва Республикамиз ҳудудига етиб келган хом ашё ва материаллар ҳисоби юритилган бўлиб, ҳисобот йили охирига бухгалтерия маълумотлари бўйича жами 2 122 751,21 минг сўм товар моддий қийматликни тасдиқловчи ҳужжатлар аудиторлик текширувига тақдим қилинмади.

Давал хом-ашё ва материаллар асосида хизмат кўрсатувчи корхоналар зиммасидаги товар моддий қийматликлар 1070-ҳисобварақда юритиб келинган ва давал асосида ишловчи ташкилотлар билан тузилган шартнома муддатлари тугаган корхоналар зиммасида хом ашё қолдиқлари мавжуд. Аудиторлик текширувига шартнома муддатлари тугаган давал хом ашёни қайта ишловчи корхоналар томонидан ҳисоботлар тақдим қилинмаган.

Изоҳлар билан фикр билдириш

Бизнинг фикримизча, изоҳлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган баён этилган вазиятнинг молиявий ҳисоботга таъсирдан ташқари, «Уз Тонг Хонг Ко» ҚК акциядорлик жамиятининг 2020 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттиради.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари

Гайнулина Г. М.
(ФИШ, имзо)

Аудитор

Туракулов Х.З.
(ФИШ, имзо)

30 апрель 2021 г.

